

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**УМАРҚУЛОВ БАХТИЁР СИНДОРҚУЛОВИЧ**

**ГИПЕРТИРЕОИД ҲОЛАТДА МОЯКЛАР МОРФОФУНКЦИОНАЛ  
ЎЗГАРИШИ ВА ЗАЙТУН МОЙИНИНГ ҲИМОЯВИЙ РОЛИ**

**14.00.02 – Морфология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Medical Sciences**

**Умарқулов Бахтиёр Синдорқулович**

Гипертиреоид ҳолатда мойқлар морфофункционал ўзгариши ва зайтун  
мойининг ҳимоявий роли..... 3

**Умарқулов Бахтиёр Синдорқулович**

Морфологические показатели надпочечников при гипертиреоидном  
состоянии и введение при этом оливкового масла и селена..... 25

**Umarkulov Bakhtiyor Sindorkulovich**

Morphofunctional changes in the testes under hyperthyroid conditions and the  
protective role of olive oil..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published papers..... 50

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**УМАРҚУЛОВ БАХТИЁР СИНДОРҚУЛОВИЧ**

**ГИПЕРТИРЕОИД ҲОЛАТДА МОЯКЛАР МОРФОФУНКЦИОНАЛ  
ЎЗГАРИШИ ВА ЗАЙТУН МОЙИНИНГ ҲИМОЯВИЙ РОЛИ**

**14.00.02 – Морфология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Tib3716 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ильясов Азиз Саидмуратович**  
биология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Зокирова Наргиза Баходировна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Ахмедов Шавкат Махмудович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Хожа Аҳмад Яссавий номидаги қозоқ-турк университети (Қозоғистон республикаси)**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 28 август соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел.: (+998-95) 911-00-50. e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 12-уй).

Диссертация автореферати 2025 йил 16 август куни тарқатилган.

(2025 йил 16 августдаги 45-рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Ж. Тешаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Қ. Дўстова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**А.Р. Облокулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда тиббий ва ижтимоий муаммолар орасида қалқонсимон без патологияси долзарб муаммолардан биридир, бу патологиянинг турли шакллари умумий тарқалиши, ҳатто эндемик бўқоқ зоналаридан ташқарида ҳам умумий касалланишнинг камида 20% ни ташкил қилади, аҳолининг тахминан 1/3 қисми яшайдиган эндемик бўқоқ худудларида эса бу кўрсаткич кўпинча 50% дан ошади. Гипертиреозид ҳолат кенг тарқалган бўлиб, «...Америка минтақасида гипертиреоз билан касалланиш 20 ёшдан 50 ёшгача энг юқори даражага етади...»<sup>1</sup>. Гипертиреоз кўплаб ички органлар қаторида эркаклар репродуктив тизимига хусусан мойларга бевосита салбий тасир қилади. «...Ҳозирда эркакларнинг бепуштлиги бутун дунё бўйлаб асосий муаммо бўлиб, жиддий психологик ҳолатга сабаб бўлмоқда...»<sup>2</sup>. Эркаклар бепуштлиги анормал сперма параметрлари билан боғлиқ ва барча бепуштлиқ ҳолатларининг 50% га ҳисса кўшади, бу нормал сперматогенезнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Дунёда эркаклар бепуштлиги бўйича қатор мақсадли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олимлар даволашнинг янги комбинацияларини яратмоқдалар, бу борада бепуштлиқнинг ўзига хос келиб чиқишини аниқлашга қаратилган ишларнинг кўлами анча кенг. Замонавий илмий тадқиқотлар қалқонсимон без гормонлар фаолиятининг репродуктив органлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини, шунингдек турли хил дори препаратларининг сперма морфологияси, фаолияти ва антиоксидант ҳимоясини ўзгаришларига олиб келишини ўрганишга бағишланган. Лекин экспериментал гипертиреозда мойк морфофункционал ўзгаришлари ва бунда эфир мойларининг ҳимоявий роли мавзусида етарли малумотлар йўқ ва аксарият олимларнинг фикрлари қарама қаршидир, бу эса келгусида шу мавзуда илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси сифат жиҳатидан яхшиланди, касалликларни самарали даволаш бўйича мақсадли, кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Беморларда қалқонсимон без ва репродуктив касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш ишлари амалга оширилмоқда, касалликларни баҳолаш учун муҳим бўлган ташхислаш мезонлари аниқланган. Бу борада қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 15-февралда қабул қилинган «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги ПҚ-102-сонли «...Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида...»<sup>3</sup>ги қарорлари тиббиёт соҳасидаги изчил ислохотларнинг асосий йўналишларини белгилаб берган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария

<sup>1</sup> Devereaux D, Tewelde S.Z. Hyperthyroidism and thyrotoxicosis. Emerg Med Clin North Am. 2014 May.

<sup>2</sup> Agarwal A, Baskaran S, Parekh N, Cho CL, Henkel R, Vij S, et al. Male infertility. Lancet (2021) 397(10271):319–333. doi: 10.1016/s0140-6736(20)32667-2

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги ПҚ-102-сонли «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори

хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>4</sup> тўғрисида, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Республикамизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, гипертиреоз ва унинг асоратларининг қанчалик репродуктив органлар фаолиятига салбий тасирини аниқлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Юқорида келтирилган фармон ва қарорлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳасига оид устивор вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг бир қатор олимлари экспериментал гипертиреоид ҳолатни ички органларга шунингдек мойкларга зарарли таъсир кўрсатишини исботлашган ва химоялашнинг янги комбинацияларини яратишган (Blum M.R., 2015; Pradnya Brijmohan Bhattad, 2023; Rijntjes E., 2017; Romano R.M., Gomez S.N., Cardoso N.C. et al., 2017; Silva J.F., Ocarino N.M. and Serakides R., 2018). Хусусан, Қалқонсимон без гормонлари мойкларнинг Лейдиг, Сертоли ва жинсий хужайраларига таъсир қилишини, қалқонсимон без гормонларининг ортиқчалиги ёки етишмаслиги мойклар функциясининг ўзгаришига шу жумладан, сперма патологиясига олиб келишини Sandro La Vignera (2018) такидлашган. Муаллифлар гипертиреозда сперма ҳажмининг пасайиши ва сперма зичлиги, ҳаракатчанлиги пасайиши билан боғлиқлигини аниқлашган. Rijntjes E. ва бошқалар (2017) Сертоли хужайраларининг пролифератив даври гипертиреоид ҳолат шароитида қисқаришини такидлашган. Аксинча, Romano R.M. ва бошқалар (2017) қалқонсимон гормонлар етишмовчилиги сперма ҳаётлигини пасайтириши ва мойк ортиғи орқали сперма ўтишини кечикиши тўғрисида маълумот келтиришган. Каламушларда чақирилган тиреотоксик кардиомиопатияда Д витаминининг химоя роли Shebin El Kom (2023) томонидан ўрганилган. Ушбу тадқиқот Д витаминнинг кардиопротектив таъсирини ўрганишга қаратилган бўлиб, унда тиреотоксикоз келтириб чиқарадиган кардиомиопатияда Д витаминини левотироксин натрий билан биргаликда қўллаш назоратга нисбатан сезиларли яхшиланишига олиб келган. Sunanda Panda (2020) томонидан ўрганилган тадқиқотда алоэ гели гипертиреоид ҳолатига яхшиловчи тасир кўрсатган. Олимнинг сўзларига кўра, алоэ гели туфайли левотироксин томонидан қўзғатилган гипертиреозда тиреотропин рецепторлари бостирилади.

Қалқонсимон без дисфункцияси жинсий гормонлар даражасининг ўзгаришига, мойклар функциясининг бузилишига ва охир-оқибат беспуштликка олиб келади (Kumar A., 2014). Asker M.E. ва бошқалар (2015) такидлашларича қалқонсимон без касалликларидан келиб чиқадиган мойк дисфункциясининг

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони //www.lex.uz.

механизми ҳали ҳам ноаниқлигича қолмоқда.

Россиялик олимлардан мояклар морфологияси ва морфометрик ўлчамлари бўйича тадқиқотлар олиб боришган (Кирпатовский В.И., Кудрявцев Г.Ю., Кудрявцева Л.В., Фролова Е.В.) хусусан, Запорожан В. ва Мещерякова Н. (2013) фикрларича гипертиреоид ҳолатда тиреоид гормонлар ва жинсий гормонлар даражаси ошади. Шунингдек, олимларнинг хулосасига кўра, тиреоид гормонлар даражаси репродуктив тизимга патоморфологик ўзгаришларга сезиларли таъсир қилади.

Ўзбекистонда ҳам бир неча олимлар мояклар бўйича тадқиқотлар олиб боришган (Тешаев Ш.Ж., Алиев М., Усмонов А., Ҳошимов Б., Баймурадов Р.). Жумладан Ҳақбердиев Қодирбек эндокринология соҳасида иш олиб борган олим, мояклар ва уларнинг морфометрик ўлчамларини ҳам ўрганган.

Бутун дунёда гипертиреоид ҳолат ва унинг асоратлари сабабли келиб чиқадиган мояклар дисфункцияси билан кураш олиб борилмоқда, олимлар даволашнинг янги комбинацияларини яратмоқдалар, аммо гипертиреоид ҳолат ва бепуштлик муаммолари ҳали ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда, бу эса қалқонсимон без патологиясида ички органларнинг морфопатологик ўзгаришлари бўйича тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бухоро вилояти аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** гипертиреоид ҳолатда мояклар морфофункционал ўзгариши ва зайтун мойининг ҳимоявий ролини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

каламуш моягининг гипертиреоид ҳолатдаги ва ҳимоялашдан кейинги структуравий ўзгаришларини аниқлаш;

экспериментал гипертиреоид ҳолат ва олдини олишдан сўнг ҳайвонлар моягидаги микроқонтомирларнинг морфологик ўзгаришларини баҳолаш;

каламуш моягидаги морфологик ўзгаришларни иммунгистокимёвий (*Bcl-2* ва *CD56* маркерлари), гистокимёвий (*толуидин кўки*) усуллар асосида гипертиреоид ҳолатда ва ҳимоялашдан кейин таққослаб таҳлил қилиш;

оқ зотсиз каламушларга гипертиреоид ҳолат чақирилган ва зайтун мойи қўлланилганда қондаги тиреоид ва жинсий гормонлар ўзгаришларини қиёсий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида оғирлиги 200-250 грамм бўлган репродуктив (3-5 ойлик) ёшдаги 92 та оқ зотсиз лаборатор эркак каламушлар ўрганилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида оқ зотсиз каламушлар мояк тўқимасидан олинган гистологик микропрепаратлар ва гормонлар таҳлили кўрсаткичлари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда морфометрик, гистокимёвий, иммунгистокимёвий, иммунохемилюминесцент ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор гипертиреоид ҳолатда каламуш мойк тўқимасининг оқсил пардаси ва ундаги коллаген толаларнинг қалинлашиши, эпителиал қават баландлигининг пасайиши ва буралма найчалар бўшлиғининг кенгайиши морфометрик жиҳатдан асосланган;

гипертиреоид ҳолатда зайтун мойи қўлланилиши мойк стромасидаги микроқонтомирларнинг морфометрик кўрсаткичларини нормаллаштириши ва тўқима структурасини тиклашда морфологик жиҳатдан самарали эканлиги асосланган;

илк бор гипертиреоид ҳолатда мойк тўқимасида иммунгистокимёвий Bcl-2 апоптоз блокатори экспрессиясининг пасайиши, CD56 экспрессиясининг ошиши зайтун мойи қўлланилганда нормаллашиши исботланган;

гипертиреоид ҳолатига хос бўлган тиреоид гормонлари даражаларидаги ўзгаришлар фонида каламушлар қонида эркин тестостерон даражасининг сезиларли даражада пасайиши ҳамда зайтун мойи таъсирида қайта тикланиши аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

Гипертиреоид ҳолат бевосита мойк морфологияси, функцияси ва нормал сперматогенезга салбий таъсир қилади. Гипертиреоид ҳолатга зайтун мойини кўшиб бериш мойк морфофункционал ҳолатини яхшилади. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш эндокринология ва урология соҳаларида профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, назарий тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқишга имкон яратади.

Қалқонсимон без касалликлари билан эркаклар бепуштлиги юқори бўлган минтақада гипертиреозни янги усуллар билан ҳимоялаш Ўзбекистон Республикаси аҳолисини соғлиғини сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, экспериментал ҳайвонлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи иммунгистокимёвий, морфометрик, иммунохемилюминесцент (ИХЛА) ва статистик усуллар қўлланилганлиги, келтирилган хулосалар асосланганлиги билан изоҳланади, шунингдек олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, гипертиреоид ҳолатни организмга таъсири туфайли эркаклар репродуктив тизимида юзага келадиган мураккаб механизмлари, мазкур жараёнда мойкдаги структуравий ўзгаришлари ва гистографияси ҳақидаги назарий ва амалий билимлар даражаси кенгайиш имконияти, CD56 ва Bcl-2 иммунгистокимёвий маркерларини ҳамда ИХЛА усулларни қўллаган ҳолда, лаборатория ҳайвонларида ўтказилган тажриба шароитида мойкдаги морфологик ўзгаришлар мезони ва гормонал баҳолаш услуги ишланмаси, ҳамда илмий тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий тиббиётнинг турли соҳаларида қўлланилиши билан изоҳланган.

Тажрибавий ҳайвонлар мойгидаги морфометрик ўзгаришларининг асосий тамойиллари аниқланди, репродуктив ёшдаги гипертиреоид ҳолат чақирилган оқ зотсиз каламушларни мойк буралма найчаларининг морфологик ўзига хослиги

таққосланди, шунингдек, гипертиреоз ҳолатида зайтун мойининг ижобий таъсири ҳақида маълумотлар олинган. Бу эса гипертиреоз ва унинг асоратларини олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга олиб келиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гипертиреоид ҳолат чақирилган каламушларнинг мойк тўқималаридаги морфофункционал ўзгаришларни морфометрик, замонавий иммунгистокимёвий, гистокимёвий, лаборатория тадқиқотларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида олинган илмий натижаларга асосланиб:

*биринчи илмий янгилик:* биринчи марта гипертиреоид ҳолатда каламуш мойк тўқимасининг морфологик структурасидаги ўзгаришлар - мойк оқсил пардаси ва ундаги коллаген толаларнинг қалинлашиши, эпителиал қават баландлигининг пасайиши ва буралма найчалар бўшлиғининг кенгайиши морфометрик жиҳатдан аниқланган, ушбу ўзгаришлар Бухоро давлат тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2024-йил 13-майдаги 24-м/104-сон қарори билан тасдиқланган “Экспериментал тиреотоксикозда мойк морфофункционал ўзгаришлари ва уларни эфир мойлари билан коррекциялашнинг замонавий усуллари” номли услубий тавсияномасининг мазмунига киритилган ҳамда 2024 йилдаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалининг 18.10.2024 йилдаги 67-сон буйруғи билан ва Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.10.2024 йилдаги 42-сон буйруғи билан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 10.12.2024 йилдаги 10/20-сонли ҳулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* биринчи марта гипертиреоид ҳолатда каламуш мойк тўқимасининг морфологик ўзгаришлари аниқланганлиги, гипертиреознинг репродуктив саломатликка таъсирини тушунишга ёрдам беради. Бу эса келгусида гипертиреоид ҳолатли беморларда туғилиш қобилятини сақлаш, профилактика қилиш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишга замин яратади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* биринчи марта гипертиреоид ҳолатда каламуш мойк тўқимасининг морфологик структурасидаги ўзгаришлар - мойк оқсил пардаси ва ундаги коллаген толаларнинг қалинлашиши, эпителиал қават баландлигининг пасайиши ва буралма найчалар бўшлиғининг кенгайиши морфометрик жиҳатдан аниқланганлиги, гипертиреоз ҳолатининг мойк тўқимасига салбий таъсирини эрта аниқлаш ва олдини олиш орқали репродуктив муаммоларни камайтириш, қимматбаҳо даволаш жараёнларини қисқартириш ҳамда самарали профилактика орқали соғлом авлодни таъминлашда иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка эришилади; *Хулоса:* гипертиреоид ҳолатда каламуш мойк тўқимасининг морфометрик жиҳатдан аниқланганлиги шикастланишни левотироксин натрий гуруҳига нисбатан левотироксин натрий ва зайтун гуруҳида камроқ бўлиши ҳамда даволаш давомийлигини қисқартирганлигини ҳисобга олсак, даволаш харажатларини тежаш имконини берди;

*иккинчи илмий янгилик:* гипертиреоид ҳолатда зайтун мойи қўлланилиши мойк стромасидаги микро қон томирларнинг морфометрик кўрсаткичларини нормаллаштириши ва тўқима структурасини тиклашда морфологик жиҳатдан самарали эканлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги 2024-йилдаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах

филиалининг 18.10.2024 йилдаги 67-сон буйруғи билан ва Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.10.2024 йилдаги 42-сон буйруғи билан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 10.12.2024 йилдаги 10/20-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича:* гипертиреозид ҳолатда зайтун мойи қўлланилиши мойк стромасидаги микро қон томирларнинг морфометрик кўрсаткичларини нормаллаштириши ва тўқима структурасини тиклашда морфологик жиҳатдан самарали эканлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги гипертиреоздан ҳимоялашда зайтун мойини бир вақтда қўшиб бериш левотироксиннинг мойкларга токсик тасирини камайтиради ва сперма параметрларига боғлиқ эркаклар бепуштлигини олдини олишда самарали ҳисобланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича:* гипертиреозид ҳолатда зайтун мойи қўлланилиши мойк стромасидаги микро қон томирларнинг морфометрик кўрсаткичларини нормаллаштириши ва тўқима структурасини тиклашда морфологик жиҳатдан самарали эканлиги репродуктив муаммолар билан боғлиқ қиммат тиббий хизматларга бўлган эҳтиёж камайишига олиб келади. *Хулоса:* мойк стромасидаги микро қон томирлар гипертиреозид ҳолатда зайтун мойи билан ҳимоялаш левотироксин натрий гуруҳга солиштирганда морфометрик кўрсаткичлари тикланиб назорат гуруҳига яқинлашганлиги қалқонсимон без касалликларининг қанчалик репродуктив тизимга хусусан мойкларга салбий тасирини англаш имконини берди;

*учинчи илмий янгилик:* гипертиреозид ҳолатда мойк тўқимасида иммунгистокимёвий Bcl-2 апоптоз блокатори экспрессиясининг пасайиши, CD56 экспрессиясининг ошиши зайтун мойи қўлланилганда нормаллашиши илк бор аниқланлиги 2024-йилдаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалининг 18.10.2024 йилдаги 67-сон буйруғи билан ва Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.10.2024 йилдаги 42-сон буйруғи билан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 10.12.2024 йилдаги 10/20-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича:* гипертиреозид ҳолатда мойк тўқимасида иммунгистокимёвий Bcl-2 апоптоз блокатори экспрессиясининг пасайиши, CD56 экспрессиясининг ошиши зайтун мойи қўлланилганда нормаллашиши илк бор аниқланлиги зайтун мойининг антиоксидант ва хужайра муҳофаза қилувчи хусусиятларини тасдиқлаб, уни гипертиреоз асоратларини камайтиришда табиий восита сифатида қўллаш имконини яратади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича:* гипертиреозид ҳолатда мойк тўқимасида иммунгистокимёвий Bcl-2 апоптоз блокатори экспрессиясининг пасайиши, CD56 экспрессиясининг ошиши зайтун мойи қўлланилганда нормаллашиши илк бор аниқланганлиги гипертиреозид ҳолатда мойк тўқимасида яллиғланиш кечаётганлигидан далолат берганлиги ташхис учун диагностик текширувларни хар бир бемор учун ўртача 80 000 сўм тежаш имконини берди. *Хулоса:* гипертиреозид ҳолатда мойк тўқимасида иммунгистокимёвий Bcl-2 апоптоз блокатори экспрессиясининг пасайиши, CD56 экспрессиясининг ошиши зайтун мойи қўлланилганда нормаллашиши илк бор аниқланганлиги ушбу тадқиқот жамиятда репродуктив саломатликни сақлаш, табиий ва арзон профилактик воситаларни ишлаб чиқишга замин яратиб, соғлиқни сақлаш соҳасида профилактика ва иқтисодий юкни камайтиришга хизмат қилади;

*тўртинчи илмий янгилик:* гипертиреоид ҳолатига хос бўлган тиреоид гормонлари даражаларидаги ўзгаришлар фонида каламушлар қонида эркин тестостерон даражасининг сезиларли даражада пасайиши аниқланганлиги 2024 йилдаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалининг 18.10.2024 йилдаги 67-сон буйруғи билан ва Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.10.2024 йилдаги 42-сон буйруғи билан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 10.12.2024 йилдаги 10/20-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича:* гипертиреоид ҳолат касалликларини эрта ташхислаш, профилактика қилиш ва янги усуллар билан ҳимоялаш Ўзбекистон Республикаси аҳолисини соғлиғини сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, минтақада қалқонсимон без касалликлари билан касалланиш кўрсаткичи юқори ҳисобланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* гипертиреоз чақирилган каламушларнинг тестостерон ва қалқонсимон без гормонларининг левотироксин натрий ва зайтун мойи билан ҳимоялашдаги солиштирма кўрсаткичлари қанчалик ўзгарганлиги қалқонсимон без касалликлари билан эркаклар бепуштлиги юқори бўлган минтақада гипертиреоид ҳолатни янги усуллар билан ҳимоялаш ҳар бир бемор учун иқтисодий самарадорликка олиб келади. *Хулоса:* бу натижа тиреоид бузилишларининг эркаклар репродуктив саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади. Ушбу илмий далил гипертиреоз билан боғлиқ гормонал мувозанатсизликнинг оқибатларини эрта аниқлаш ва олдини олишда катта аҳамиятга эга. Иқтисодий жиҳатдан эса узоқ муддатли ва қиммат гормонал терапиялар, диагностика ва репродуктив даволаш харажатларининг қисқаришига олиб келади. Бу эса соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам, аҳоли учун ҳам молиявий юкни камайтиради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Калконсимон без патологиясида ички органларнинг ўзгаришлари ва унинг олдини олишнинг чора тадбирлари» деб номланган биринчи бобида тадқиқотлар мавзуси бўйича сўнгги йилларда илмий манбаларда чоп этилган маълумотлар, бўқоқ ва гипертиреозид ҳолат муаммоларига замонавий қарашлар, гипертиреозид ҳолат барча ички органларга хусусан, репротуктив тизимга салбий таъсир кўрсатиши натижасида мойлардаги Лейдиг, Сертоли ва жинсий хужайралардаги морфологик ҳамда структуравий ўзгаришлар, турли дори препаратлар ва ташқи омилларнинг репротуктив органларга таъсири, шунингдек ҳайвонлар репродуктив органларини химоя қилишга қаратилган шифобахш воситалар баён этилган.

Диссертациянинг «Гипертиреозид ҳолатида мойларни ўрганиш учун тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усулларга кўра иш олиб борилган.

Тадқиқотда 200-250 грамм бўлган репродуктив (3-5 ойлик) ёшдаги 92 та оддий виварий шароитида бўлган эркак оқ каламушлар ишлатилган. Таъриба бошида барча каламушлар бир ҳафта давомида карантинга олинган ва соматик ёки юқумли касалликлар чиқариб ташланганидан кейин улар одатдаги виварий режимига ўтказилган. Таъриба гуруҳларининг хусусиятлари ифодаланган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Таъриба гуруҳларининг хусусиятлари

Гуруҳлар	Каламушлар сони	Танага киритиш йўли	
		Шприц орқали	Зонд орқали
Назорат	20	-	-
1-таъриба	36	левотироксин натрий	-
2-таъриба	36	левотироксин натрий	зайтун мойи

Ҳайвонлар 3 гуруҳга бўлинган (№=92): Назорат гуруҳи 1 ой давомида оддий парвариш қилинган каламушлар (№=20).

Биринчи таъриба гуруҳи ҳайвонларига эса 30 кун давомида 100 грамм ҳайвон вазнига 5,0 мкг дозада левотироксин натрийни майдаланиб 0,9% ли натрий хлорда эритилган эритмани териси остига олган каламушлар (№=36) (Сабанов 2017).

Иккинчи таъриба гуруҳи 1 ой давомида 100 грамм ҳайвон вазнига 5,0 мкг дозада левотироксин натрийни майдаланиб 0,9% ли натрий хлорда эритилган эритмани териси остига олган ва бир вақтда зайтун мойини 1 мл дозада металл зонд ёрдамида оғиз орқали қабул қилган каламушлар (№=36) (Апрятин Н.А., 2016).

Левотироксин натрийнинг ушбу дозалари эмпирик равишда ҳисоблаб чиқилган ва ҳар куни оқ каламуш ошқозонига интрагастрал металл зонд орқали юборилган.

Гипертиреоз модели чакириш учун 30 кун давомида 100 грамм ҳайвон вазнига 5,0 мкг дозада левотироксин натрийни майдалаб, 0,9% ли натрий хлорда эритилган 1 мл эритмани 2 мл ли шприц ёрдамида каламуш териси остига юборилган.

Таърибаларда жами 97 та эркак оқ каламушдан фойдаланилиб, улардан фақат 5 таси таърибалар давомида нобуд бўлган.

Лаборатория ҳайвонларининг клиникадан олдинги экспериментал тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Этика

қўмитасининг ушбу тадқиқотларни ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги 2024-йил 21-июндаги 5/10-1891-сонли расмий хати (кўчирма) асосида амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси этика қўмитаси мажлисининг 2024 йил 21 июндаги МЗ-сонли баённомасидан).

Зайтун мойи - зайтун меваларидан олинган ўсимлик мойи. У ёғ кислоталарининг триглицеридларини ўз ичига олади, хусусан, олеин кислотаси эфирларининг юқори миқдорини ташкил қилади. Зайтун мойи асосан триацилглицеринлардан ва шунингдек, эркин ёғ кислоталари, моно ва диацилглицеринлар, углеводлар, стероллар, алифатик спиртлар, токофероллар ва пигментлардан иборат. Унинг таркибида фенолли ва учувчи бирикмалар ҳам мавжуд. Зайтун мойи туйинмаган ёғ кислоталарини ўз ичига олганлиги сабабли, организмдаги яллиғланишни камайтиришга ёрдам беради. Зайтун мойи организмда моддалар алмашинувини яхшилаш ва гормонлар ишлаб чиқаришни оптималлаштириши мумкин. Биз Зие Нур Фарм компанияси ишлаб чиқарган Ўзбекистондаги зайтун мойини ишлатдик.

Моякни морфологик ва морфометрик ўрганиш учун орган бутун капсуласи билан бирга олинган. Орган формалиннинг 12% эритмасига фиксация қилинди. Тегишли ишлов берилгандан сўнг материал парафинга блокларга қуйилган ва 3-5 микрон қалинликдаги кесмалар тайёрланган, улар гематоксиллин эозин ва ван Гизон усулида бўялган. Микропрепаратлар DN-107T/ NLCD-307B модели (Хитой) ёруғлик микроскопи ёрдамида морфометрик текширилган.

Мояк оксил пардасининг барча қутбларида унинг қалинлигини ва оксил парда таркибидаги коллаген толаларининг қалинлигини (мкм да) ўлчанган.

Микроскопнинг бир кўрув майдонидаги (окуляр 10 ва обектив 10) мояк буралма найчаларнинг сонини ҳисобланган шунингдек, буралма найчалар деворидаги эпителиал қаватни қалинлигини ва найчаларнинг ички бўшлигини микрометрда аниқланган.

Каламуш мояк буралма найчалар деворидаги Сертоли хужайраси ядросининг катталиги шунингдек, эпителиал қатламдаги жинсий хужайраларнинг улишини окуляр 10 ва обектив 40 ҳамда 100 катталикларда ҳисоблаб чиқилган.

Моякнинг микромирларининг параметрлари аниқланган, артериолаларнинг девор қалинлиги ва ички диаметри, шунингдек венулалар ва капиллярларнинг ҳам девор қалинлиги ва ички диаметри аниқланган.

Қон зардобидаги гормонлар даражаси автоматик биокимёвий анализатори "Cobas e411 Roche иммунохемилюминесцент усул (ИХЛА)" тўплами ёрдамида аниқланган.

Иммуногистохимёвий (ИГК) тадқиқотлар 3 та намунада ("назорат", "тажриба", "зайтун") ўтказилди. Қалинлиги 3 мкм бўлган кетма-кет бўлақлар депарафинизация қилинган, сувсизланган, ниқобланган ва ихтисослаштирилган автоматлаштирилган Вентана Бенчмарк ХТ тизими ёрдамида антигенлар билан бўялган, Роче, Швейцария. Тадқиқот Vc1-2 антикори билан ўтказилди.

Vc1-2 (апоптоз ингибитори) ифодаси ижобий бўялган хужайра ядроларида фоиз сифатида баҳоланди.

Толуидин кўки бўяш. Семиз хужайралари бир хужайрали дисперс эндокрин тизимнинг таркибий қисмлари сифатида қаралади. Депарафинизациядан сўнг моякнинг бўлимлари Унна усули ёрдамида полихром толуидин кўк билан бўялган. МИКМЕД-5 ёруғлик микроскопининг 30-50 кўриш майдонида обектив


катталаштириш 90 ва окуляр 10, ҳар бир бўлимда хужайралари сони ва ўртача арифметик кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилди.

CD56 учун иммуногистохимёвий бўяш усули: CD56 экспрессиясини аниқлаш учун иммуногистохимёвий бўяш усули қўлланилди. 3–5 мкм қалинликдаги парафин тўқима кесимлари депарафинизация қилинди, регидратациядан ўтказилди ва антигенни тиклаш жараёни амалга оширилди (масалан, рН 6,0 бўлган цитрат буфериди ишқорли ишқорлаш орқали).

Диссертациянинг "**Каламушларда гипертиреоид ҳолатда ва зайтун мойи билан ҳимоялашдан кейинги мойкларнинг морфометрик кўрсаткичлари**" деб номланган учинчи боби ҳам 3 та параграфдан ташкил топган бўлиб, каламуш мойгининг гипертиреоид ҳолат ва уни ҳимоя қилишдан кейинги структуравий кўрсаткичлари, мойк буралма найчаларининг хужайравий кўрсаткичлари ва каламуш мойгидаги микро қон томир ўзгаришлари ўрганилган.


Каламуш мойгининг оқсил пардаси таркибида бириктирувчи тўқима толалари жойлашган бўлиб, унда қисман ретикуляр толалар ҳамда аксарият коллаген тола тутамлари ва эластик толалар оқсил пардада парралил йўналишда жойлашган. Коллаген тола тутамлари мойкнинг дарвоза соҳасидан (*оқсил парда таркибида*) ичкарига қараб йўналиб мойкни бир нечта бўлақларга бўлувчи деворларни ҳосил қилишда қатнашади.

Каламушлар мойгининг дарвоза соҳасидан бошланган бириктирувчи тўқима тўсиқлари мойкни ичига кириб ҳар бир мойкни бир қанча бўлақларга ажратади. Ҳар бир бўлақ ўз новбатида нисбатан сийрак интерстициал тўқималарга кўмилган бир нечтадан эгри-бугри найчалардан иборат. Назорат гуруҳда мойк буралма найчаларининг кўриниши кўрсатилган (1 – расм).




**1-расм. Назорат гуруҳида мойк буралма найчаларининг кўриниши:**  
**1-буралма найчалар, 2-буралма найчалар орасидаги интерстициал тўқима,**  
**3-буралма найчалар бўшлиғи, 4-буралма найча эпителиал қавати.**  
**Бўёқ Гематоксиллин-эозин. Ок. 10× об.10.**

Тажрибадаги гипертиреоид ҳолат чақирилган каламушларнинг (*1-тажриба гуруҳи*), мойкни ўраб турувчи оқсил парда қалинлиги ўлчанганда юқори кутбда ўртача -  $40,4 \pm 0,4$  мкм, унинг пастки кутбда -  $43,6 \pm 0,50$  мкм, дарвоза соҳасида эса -  $45,6 \pm 0,57$  мкмга тенг. Гипертиреоид ҳолат ҳайвонларнинг мойк буралма найчаларининг тузилиши кўрсатилган (2-расм).



**2-расм. Гипертиреоз моделида мойяк буралма найчаларининг тузилиши: 1-буралма найчалар, 2-буралма найчалар орасидаги интерстициал тўқима, 3- буралма найчалар бўшлиғи, 4-буралма найча эпителиал қавати. Бўёқ Гематоксилин-эозин. Ок. 10× об.10.**

Шунингдек левотироксин натрийга қўшимча сифатида зайтун мойи берилганда (2-тажриба гуруҳи), мойякни ўраб турувчи оқсил парда қалинлиги юқори қутбда камайиб ўртача -  $37,1 \pm 0,46$  мкм, пастки қутбда -  $39,8 \pm 0,55$  мкм, дарвоза соҳасида -  $41,7 \pm 0,64$  мкм эканлиги аниқланди. Мойяк оқсил пардасининг назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўзгаришлари диаграмма кўринишида ифодаланган (3-расм).



**3-расм. Мойяк оқсил пардасининг назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўзгаришлари диаграммада ифодаланган.**

Оқсил парда таркибидаги коллаген тола тутамларининг қалинлиги биринчи тажриба гуруҳида юқори қутбда ўртача -  $30,4 \pm 0,57$  мкм, пастки қутбда -  $32,4 \pm 0,41$  мкм ва дарвоза соҳасида -  $35,5 \pm 0,5$  мкмга тенг бўлди. Левотироксин натрий ва зайтун мойи берилган (2-тажриба) гуруҳда юқори қутбда ўртача -  $27,6 \pm 0,74$  мкм, пастки қутбда -  $30,0 \pm 0,46$  мкм, дарвоза соҳасида -  $31,9 \pm 0,37$  мкмга тенглиги аниқланди. Гипертиреоид ҳолатни ҳимоялашдан кейинги мойяк оқсил пардасининг морфометрик кўрсаткичлари кўрсатилган (2-жадвал).

**Гипертиреоид ҳолатни зайтун мойи билан ҳимоялашдан кейинги мойк оксил пардасининг морфометрик кўрсаткичлари,  $M \pm m$**

Гуруҳ	Оқсил пардаси қалинлиги (мкм)			Коллаген тола тутамларининг қалинлиги (мкм)		
	юқори қутб	пастки қутб	дарвоза соҳаси	юқори қутб	пастки қутб	дарвоза соҳаси
Наз.	35,8±0,44	38,7±0,52	40,1±0,61	26,7±0,44	28,2±0,52	30,9±0,7
1-таж.	40,4±0,41*	43,6±0,50*	45,6±0,57*	30,4±0,57*	32,4±0,41*	35,5±0,5*
2-таж.	37,1±0,46	39,8±0,55	41,7±0,64	27,6±0,74	30,0±0,46	31,9±0,37

*Изоҳ \* - тажриба гуруҳларининг назоратга нисбатан ишончлилик даражаси кўрсатилган ( $p < 0,05$ ).*

Каламуш мойи эгри-бугри найчалар эпителиал қатламининг баландлиги левотироксин натрий гуруҳида ўртача - 56,9±1,22 мкмга, левотироксин натрийга зайтун мойи қўшилган ҳайвонларда эпителиал қатламининг баландлиги ўртача – 72,2±0,78 мкмни ташкил қилди. Гипертиреоид ҳолатни ҳимоялашдан кейинги мойк буралма найчаларининг морфометрик кўрсаткичлари кўрсатилган (3-жадвал).

Шундай қилиб, гипертиреоид ҳолатда мойк оксил пардасининг юқори, пастки қутб ва дарвоза соҳаларида парда ва ундаги коллаген тола тутамлари қалинлашганлиги кузатилди. мойкнинг пастки қутбида оксил парданинг қалинлиги бўлса, левотироксин натрий ва зайтун тажриба гуруҳида биринчи тажриба гуруҳга нисбатан 8,7% га камайиб тикланди. Буралма найчалар сони бирмунча камайиб найчалар диаметри диярли ўзгармаган, эпителиал қаватнинг баландлиги сезиларли даражада камайган, лекин буралма найчалар бўшлиғининг диаметри кенгайганлиги аниқланди. Зайтун мойи қўшиб берилган гуруҳида эса эпителиал қаватнинг баландлиги сезиларли даражада тикланди. Каламуш мойк буралма найчалари ички тузилмаларининг тажриба гуруҳларидаги ўзгаришлари ифодаланган (4- расм).


## 3-жадвал.

**Гипертиреоид ҳолатни ҳимоялашдан кейинги мойк найчаларининг морфометрик кўрсаткичлари,  $M \pm m$**

Гуруҳ	Буралма найчалар			
	бир кўрув майдонда сони	диаметри	эпителийси баландлиги	бўшлик диаметри
наз.	9,8±0,52	200,5±2,09	81,3±0,87	40,2±0,69
1-таж.	9,4±0,44	194,4±1,31*	56,9±1,22*	62,2±0,69*
2-таж.	9,5±0,35	195,0±1,22	72,2±0,78*	45,5±0,61*


*Изоҳ\* - тажриба гуруҳларининг назоратга нисбатан ишончлилик даражаси кўрсатилган ( $p < 0,05$ ).*

Каламуш мойи таркибидаги буралма найчаларнинг ички девори мураккаб тузилган эпителий тўқимаси билан қопланган бўлиб, уни икки хил ҳужайралар гуруҳи яъни Сертоли ва жинсий ҳужайралар ташкил қилади.




**4-расм. Каламуш мойк буралма найчалари ички тузилмаларининг тажриба гуруҳларидаги ўзгаришлари диаграммада ифодаланган.**

Сперматогенизда иштирок этувчи жинсий ҳужайралар Сертоли ҳужайраси цитоплазмасининг чўнтақларида жойлашган бўлади. Назорат гуруҳи каламушларининг мойгидаги буралма найчалар эпителиал қатлам ҳужайралари кўрсатилган (5- расм).



**5-расм. Назорат гуруҳи ҳайвонларнинг мойгидаги буралма найчалар эпителиал қатлам ҳужайралари: 1-сперматогоний, 2-сперматоцит, 3-сперматид, 4-сперматозоид. Бўёқ Гематоксин-эозин. Ок.10×об.100.**


Левотироксин натрий гуруҳида каламуш мойк найчалари деворидаги Сертоли ядролари ўлчами (мкм) ўртача -  $9,4 \pm 0,35$  мкмга тенглиги ва левотироксин натрий ва зайтун мойи берилган гуруҳда ўртача -  $8,7 \pm 0,4$  мкмга тенг эканлиги аниқланди. Мойк буралма найчалар эпителийсидаги сперматогоний ҳужайраларининг улиши 1-тажрибада ўртача -  $9,4 \pm 0,5$  мкмга тенг бўлди. Гипертиреоид ҳолат чақирилган каламушлар мойгидаги буралма найчалар эпителиал қатлам ҳужайралари кўрсатилган (6- расм).



**6-расм. Гипертиреоид ҳолат чақирилган каламушлар мойгидаги буралма найчалар эпителиал қатлам хужайралари: 1-сперматогоний, 2-сперматоцит, 3-сперматозоид. Бўёқ Гематоксилин-эозин. Ок.10×об.100.**

Левотироксин натрий ва зайтун мойи берилган каламушлар гуруҳида сперматогоний улиши ўртача -  $9,5 \pm 0,5$  мкмга тенг эканлиги аниқланди. Зайтун мойи билан ҳимоялашда мойқдаги буралма найчалар эпителиал қатлам хужайралари кўрсатилган (7-расм).

Левотироксин натрий берилган каламушлар гуруҳида бирламчи сперматоцит хужайралари улиши ўртача -  $10,6 \pm 0,41$  мкмга тенг, иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонларда эса бирламчи сперматоцитлар улиши ўртача -  $11,6 \pm 0,4$  мкмга тенг бўлди. Левотироксин натрий берилган гуруҳда иккиламчи сперматоцитлар улиши ўртача -  $14,0 \pm 0,41$  мкмга тенг, иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонларда эса иккиламчи сперматоцитлар улиши ўртача -  $15,6 \pm 0,5$  мкмга тенг бўлди.



**7-расм. Гипертиреоид ҳолат чақирилган каламушларни зайтун мойи билан ҳимоялашда мойқдаги буралма найчалар эпителиал қатлам хужайралари: 1-буралма найчалар бўшлиғи, 2-сперматогоний, 3-сперматоцит, 4-сперматид, 5. сперматозоид. Бўёқ Гематоксилин-эозин. Ок.10×об.100.**

Сперматид хужайралари бўлинмасдан етилиб сперматозоидларни ҳосил бўлади. сперматозоидлар буралма найчаларнинг бўшлиғи яқинида жойлашган.

Левотироксин натрий берилган каламуш мойк найчалари деворидаги сперматозоидлар улиши ўртача -  $33,6 \pm 0,6$  мкмга тенг. Левотироксин натрий ва зайтун мойи берилган каламушлар гуруҳида мойк найчалари деворидаги сперматозоидлар улиши ўртача -  $37,0 \pm 0,7$  мкм эканлиги аниқланди. Гипертиреоид ҳолат каламушларни химоялашдаги мойк буралма найчаларининг ҳужайравий кўрсаткичлари кўрсатилган (4-жадвал).


4-жадвал

